

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 02/30.12.2019. FFL.46.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

НАРЗУЛЛАЕВА ДИЛФУЗА САИТОВНА

**ЎЗБЕК ФОЛЬКЛОРИДА МОМО КУЛЬТИ
(ГЕНЕЗИСИ ВА ПОЭТИКАСИ)**

10.00.08 – Фольклоршунослик

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

УЎК: 398.61.001.32 (575.1) (043.3)

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Contents of the abstract of dissertation on doctor of philosophy (PhD)
on philological sciences**

Нарзуллаева Дилфуза Саитовна

Ўзбек фольклорида момо култи (генезиси ва поэтикаси) 3

Нарзуллаева Дилфуза Саитовна

Култ момо (бабушка) в узбекском фольклоре (генезис и поэтика) 27

Narzullayeva Dilfuza Saitovna

Cult momo (grandmother) in Uzbek folklore (genesis and poetics) 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 55

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 02/30.12.2019. FFL.46.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

НАРЗУЛЛАЕВА ДИЛФУЗА САИТОВНА

**ЎЗБЕК ФОЛЬКЛОРИДА МОМО КУЛЬТИ
(ГЕНЕЗИСИ ВА ПОЭТИКАСИ)**

10.00.08 – Фольклоршунослик

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.PhD/Fil49 рақам
билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-
саҳифасида (www.tai.uz) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz)
жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ўраева Дармон Саидахмедовна
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Қаюмов Олим Садриддинович
филология фанлари доктори

Жўракўзиев Нодирбек Имомқўзиевич
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Қарши давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили,
адабиёти ва фольклори институти ҳузуридаги DSc 02/30.12.2019.Fil.46.02 рақамли Илмий
кенгашнинг 2022 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади.
(Манзил: 100060, Тошкент, Шаҳрисабз тор кўчаси, 5-уй. Тел.: (99871) 233-36-50; факс:
(99871) 233-71-44; e-mail: uztafi@academy.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий
кутубхонасида танишиш мумкин. Манзил: 100100, Тошкент, Зиёлилар кўчаси, 13-уй.
Тел.: (99871) 262-74-58.

Диссертация автореферати 2022 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2022 йил «_____» _____ даги _____ -рақамли реестр баённомаси).

Б. Тўхлиев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
филол.ф.д., профессор

Л.А. Худайкулова
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.н.

Ш.Г. Турдимов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, филол.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё халқлари маросим фольклорида момо культига ишонч билан боғлиқ рудиментларнинг то ҳозиргача сақланиб келаётгани алоҳида эътиборни тортади. Қадимги инсонларнинг “ҳомий кучлар” ҳақидаги эътиқодий қарашлари таъсирида шаклланган маросимлар фольклори, урф-одатларнинг эстетик моҳияти, халқ оғзаки бадиий ижодида момо образининг бадиий талқин хусусиятларини аниқлаш фольклор тарихини, мифопоэтик тафаккур тараққиёти босқичларини асослаш имконини бериши жиҳатидан муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон фольклоршунослигида қадимий ритуалларнинг генезисини ва вербал компонентларини ўрганиш ҳамиша долзарб илмий йўналишлардан бири бўлиб келган. Бу йўналишда шаклланган ритуал-мифологик мактабнинг илмий таълимотлари, тарихий поэтика назариясига таяниб, момо култи генезисини, унга ишончнинг ўзбек тақвимий ва оилавий-маиший маросимлар фольклоридаги бадиий талқинини, у билан боғлиқ мотив ва образларни миф-маросим-фольклор тадрижий босқичида ёритиб бериш фольклоршунослигимиз олдида турган муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан буён халқимизнинг қадимги мифологик тасаввур-тушунчалари, турли эътиқодий қарашлари, ўтмиш турмуш тарзи ва маданияти билан боғлиқликда пайдо бўлиб, ҳозиргача сақланиб келаётган маросимлар фольклорини ўрганишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Бундан фольклор “янги ва янги авлодлар учун донишмандлик ва билим манбаи, энг муҳими, янги кашфиётлар учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилиши” яна бир бор ўз исботини топмоқда¹. Ўрта Осиё халқлари қаторида ўзбеклар анъаналари тизимида момо культига алоқадор маросимлар ўз ўрнига эга бўлиб, кўпроқ аёллар турмуш тарзида намоён бўлади. Момо культига ишонч излари халқимизнинг шамол тўхтатиш билан боғлиқ “Чой момо”, кўзи ёриган аёл ва янги туғилган чақалоққа бағишлаб ўтказиладиган “Анбар она ёки Анбар момо иси”, тақвимий моҳиятга эга “Бибисешанба” ҳамда “Бибимушкулкушод” каби маросимларида яхши сақланиб қолган. Момо култи билан боғлиқ мифология, маросим турлари, уларнинг тарихий-фольклорий илдизларини ёритиш ҳамда вербал компонентига хос поэтик хусусиятларни аниқлаш халқимиз эпик тафаккури тадрижини ўрганиш ва белгилаб кўрсатиш учун жуда зарурдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислом маданияти марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида». – 2017 йил 23 июндаги ПҚ-3080-сон қарори.

тўғрисида», 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 апрелдаги 304-сон «Бахшичилик ва дostonчилик санъатини янада ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўрта Осиё аҳолисининг момо культига ишончи хусусида ўз илмий қарашларини илгари сурган О.А.Сухарева тадқиқотларида боланинг туғилиши ва унинг дастлабки ҳаёти давомида амалга ошириладиган маросимлар этнофольклористик асосда таҳлил қилингани жиҳатидан эътиборни тортади². Олима “момо-доя” аёллар ва уларга халқнинг муносабати ҳақида алоҳида тўхталиб ўтади. Шунингдек, тожик халқининг демонология ва шомонлик билан боғлиқ қарашлари тизимида момо культига ишонч изларини тарихий-фольклорий аспектда текширишга ҳаракат қилади.

Л.П.Потаповнинг “Олтой шомонизми” китобида³ аёл қиёфасидаги худо Умай ёки Умай она, баъзида аёл кўринишида тасаввур қилинадиган она-Ер ёки Ер ҳукмдори Йерсу, муқаддас уч шохли кампир Уч Мусту Бай Оны, меҳрибон Май-иче ёки Она-Май тимсоллари ҳақида сўз юритилган.

О.В.Голубкова Сибирь шарқий славянларининг халқона ишончларида аёллар образини махсус илмий тадқиқ қилган⁴.

М.Ҳамиджонова ва О.Муродовлар момо культига ишонч билан боғлиқ маълумотларни юқори Зарафшон тожиклари орасидан ёзиб олганлар⁵. Хусусан, О.Муродовнинг Зарафшон воҳаси ўрта қисми тожикларининг шомонлик маросими фольклори хусусида олиб борган тадқиқотида момо

² Сухарева О.А. Пережитки демонологии и шаманства у равнинных таджиков // Домусульманские верования и обряды в Средней Азии. – М.: Наука, 1975. – С. 15-17.

³ Потапов Л.П. Алтайский шаманизм. – Л.: Наука, 1991. – С.284-305.

⁴ Голубкова О.В. Женские образы в народных верованиях восточных славян Сибири: Автореф. дисс.... канд. филол. наук. – Новосибирск, 2001. – 23 с.

⁵ Муродов О. Древние образы мифологии у таджиков долины Зерафшана (этнографические исследования к истории религии и атеизма). – Душанбе: Дониш, 1979.

культига ишонч ва унга бағишланган мурожаат айтимлари бадиияти хусусида қимматли маълумотлар илгари сурилган⁶.

Ўзбек фольклоршуноси Б.Саримсоқов “Момо култи Ўрта Осиёда қадимдан мавжуд бўлиб, ... бу каби культлар ўзбекларда анча яхши сақланиб қолган”лигини алоҳида таъкидлайди⁷.

О.Қаюмов момо култига ишончнинг шомон маросимлари тизимидаги ўрнига эътибор қаратиб, Сариқиз момо, момо қушночлар, шомонликда қўл олиш ёки қўлни янгилаш муносабати билан ўтказиладиган “Момо оши” маросими, бунда “Сурпа янгилаш”, “момо чироғи” удумлари ва уларга алоқадор айтимлар, Л.Худайкулова бола туғилиши ва унинг бешик давридаги парвариши жараёнида сиғиниладиган момо руҳлар (Тувгич момо, Анбар она каби), З.Расулова сеҳрли эртакларда супранинг “ғаройиб буюм” сифатида образлантирилишига аёлларнинг магик маросимлари таъсири, М.Жўраева ўзбек халқ топишмоқларида момо эвфемизми асосида момо ва туя образларининг параллел келтирилиши хусусида фикр юритганлар⁸.

Умуман айтганда, маълум бир реликтларга ишонч ва унга алоқадор маросимлар анимистик тушунчалар тизимининг мустақил босқичини ташкил этади. Ўзбек маросимлари орасида момо култига ишонч асосида ўтказиладиган маросимлар бу борада алоҳида ўринга эга. Бироқ ўзбек фольклоршунослигида момо култи генезиси ва у билан боғлиқ маросимлар фольклори бадиияти бўйича ҳозиргача бирорта жиддий яхлит тадқиқот яратилмаган. Мазкур диссертацияда эса ўзбек фольклорида момо култига ишонч ва у билан боғлиқ маросимлар фольклори, асосан, тақвимий характерда бўлган “Бибисешанба” ва “Бибимушкулкушод” маросимлари поэтикасини яхлит ҳолда илмий тадқиқ қилиш кўзда тутилган.

Маълумки, “Бибисешанба” ва “Бибимушкулкушод” маросимларининг ўтказилиш тарзи ва мақсади, анъанавийлиги масаласига ўзбек удумшунослари ҳам алоҳида қизиқиш билан қарайдилар. Жумладан, улар ҳақида Маҳмуд Сатторнинг “Ўзбек удумлари” китобида айрим зарур маълумотлар айтилган⁹. О.Сафаров ва М.Маҳмудовлар эса “Бибисешанба” ва “Мушкулкушод” маросимларига халқ китобхонлик маросимлари сифатида қарашса¹⁰, А.Аширов ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари хусусида тўхталар экан, “Бибисешанба” ва “Бибимушкулкушод”

⁶ Муродов О. Шаманский обрядовый фольклор у таджиков средней части долины Зерафшана // Домусульманские верования и обряды в Средней Азии. – М.: Наука, 1975. – С.94-122.

⁷ Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори. – Т.: Фан, 1986. – Б.161.

⁸ Қаюмов О.С. Ўзбек шомон маросимлари фольклори (спецификаси, генезиси, жанрлар таркиби ва поэтикаси): Филол. фан. доктори (DSc) ... дисс. – Тошкент, 2020. – 284 б.; Худайкулова Л. Сурхон воҳасида бола туғилиши ва бешик даври маросимлари фольклори // Ўзбек фольклоршунослиги масалалари. 1-китоб. Илмий мақолалар тўплами. – Т., 2006. – Б.87-94; Ўзбек фольклорида Момолар култи. – Ўзбек тили ва адабиёти. – 2007. – №4. – Б.50-53; Расулова З.Ж. Ўзбек халқ сеҳрли эртакларида “ғаройиб буюм”лар (спецификаси, генезиси ва бадиияти): Филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Тошкент, 2012. – 147 б.; Жўраева М.Ю. Ўзбек халқ топишмоқларининг генезиси: Филол. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) ... дисс. автореф. – Тошкент, 2017. – 51 б.

⁹ Маҳмуд Саттор. Ўзбек удумлари. – Т.: Фан, 1993. – Б.188-190.

¹⁰ Сафаров О., Маҳмудов М. Оила маънавияти. – Тошкент: Маънавият, 1998. – Б.106.

маросимлари генезиси момо культига ишонч ғоялари билан боғлиқлигини алоҳида таъкидлайди¹¹.

З.Р. Исакова тасаввуф таълимотида валийлик тушунчасининг диний-фалсафий талқинига бағишланган номзодлик ишида тасаввуфдаги турли тариқатлар, валийларнинг ижтимоий ҳаётда тутган йўли ва ўрни хусусида тўхталар экан, авлиё аёллар қаторида Биби Сешанба номини санаб, у ҳақда тўхталиб ўтган¹².

Кўриняптики, ўрганилаётган муаммо кенг қамровли бўлиб, ўзига хос алоҳида илмий йўналишга ва аҳамиятга эгадир. Шундан келиб чиқиб, ишда ўзбек халқининг момо култи билан боғлиқ мифологик қарашлари тизимини ва унинг таъсирида келиб чиққан маросимлар фольклорига хос бадий хусусиятларни ўрганиш кўзда тутилди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши Бухоро давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Ўзбек фольклоршунослигининг долзарб муаммолари» йўналишида олиб борилаётган тадқиқотлар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек фольклорида момо култи генезиси ва унга ишонч асосида келиб чиққан маросимлар фольклори поэтикасини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўзбек фольклорида момо култи шаклланишининг мифологик ва тарихий илдизларини очиб бериш;

ўзбек фольклорида момо культига ишонч билан боғлиқ маросимларнинг турлари, уларга алоқадор фольклор намуналарининг жанрлар таркиби, момо образи кўринишларини таснифлаш ва тавсифлаш;

момо культига алоқадор маросимларнинг ўтказилиш тартиби, мақсади, вақти, иштирокчилари, унда вербал қисмнинг ўрни ва оила маънавиятини юксалтиришга таъсирини далиллаш орқали бадий-эстетик, маърифий-тарбиявий аҳамиятини ойдинлаштириш;

ўзбек аёллари касб-корида, табобатида, бола туғиш ва уни тарбиялаб-ўстиришда момо культига ишонч, ундан мадад тилаш учун ташкил қилинадиган маросим (ритуал) жараёнига алоқадор вербал қисмнинг поэтик белгиларини аниқлаш;

“Бибисешанба” ва “Бибимушкулкушод” маросимлари фольклори поэтикасини уларда ижро қилинадиган вербал компонентларнинг композицион-сюжет белгилари, жанрий табиати, мотивлар структураси, образлар таркиби, лингвопоэтик хусусиятлари, вариантлашиши мисолида асослаш.

¹¹ Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. – Т.: А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. – Б.199-205.

¹² Исакова З.Р. Тасаввуф таълимотида валийлик тушунчасининг диний-фалсафий талқини (Алишер Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат” асари асосида): Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 2007. – Б.21.

Тадқиқотнинг объекти сифатида момо культига ишонч билан боғлиқ маросим кўшиқлари, момо образи акс этган асотир, афсона, эртак, дoston матнлари танланди.

Тадқиқотнинг предметини ўзбек фольклорида момо култи генезиси ва поэтикаси ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда таснифлаш, тавсифлаш, тарихий-қиёсий, қиёсий-типологик, контекстуал, этнофольклористик, руҳий таҳлил усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қадимги инсонларнинг анимизм, шомонизм, манистик мифларга алоқадор тушунчалари асосида ҳомий момо культларга ишонч, уларга сиғиниш туфайли келиб чиққан Бибисешанба, Бибимушкулкушод каби ҳафтанинг сешанба ва чоршанба кунлари ўтказиладиган тақвимий ҳамда оилавий-маиший моҳиятга эга маросимлар генезиси миф-маросим-тақвим босқичидан иборат тарихий-фольклорий жараёнда кечганлиги асосланган;

момо образи ўзбек халқ асотир, афсона, оилавий-маиший ва мавсумий маросим кўшиқларида Умай, Йўлчи, Элчи, Тўқ, Гунг, Гумчи, Кул, Гул, Сувчи, Учун, Ҳасуд, Мечкай, Кинна, Рўдапо, Шалпар, Кўк, Қора, Қизил, Сарик, Оқ, Хунхор, Шалойим, Кашмири, Аламон, Титти, Очил, Гулсун, Ёзил, Тувгич, Гўзал, Гулдур, Шалдир, Чуй, Ялала, Ларзон, Азиз каби аллюзив номлар билан, эртак ҳамда дostonларда ялмоғиз, жодугар, шум, мастон кампир сифатлашлари орқали ифодаланиши далилланган;

аёлларнинг туғиш, болани ўстириш, ўлим, табобат, касб-кор билан шуғулланиш жараёнида, мушкул вазиятларда қолганда руҳий мадад олиш мақсадида ўтказиладиган момолар культига алоқадор маросимларнинг вербал компонентини, бадий сўз қисмини фольклор жанрлари афсона, эртак, қисса, мурожаат айтимлари, олқишлар ташкил қилиши, уларнинг насрий ҳамда шеърӣ кўринишларда, оғзаки ва ёзма вариантларда тарқалгани ойдинлаштирилган;

“Бибисешанба” ва “Бибимушкулкушод” маросимлари аёллар ўртасида болапарварлик, етимпарварлик, меҳнатсеварлик, ҳамжихатлик, бағрикенглик, имон-эътиқодли бўлиш ғояларини тарғиб этишга қаратилгани очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўзбек халқининг момо культига алоқадор мифологик қарашларининг келиб чиқиш илдизлари, тарихий-фольклорий асослари аниқланган;

халқимизнинг қадимий мифологик қарашлари тизимида момо култи билан боғлиқ тасаввур-тушунчаларнинг тутган ўрни, “Бибисешанба”, “Бибимушкулкушод” сингари айрим тақвимий, диний-ибодат ритуалларининг шаклланишида муҳим роль ўйнагани ҳамда уларнинг рамзий-ритуал моҳияти очиб берилган;

ўзбек фольклорида момо культига ишонч билан боғлиқ маросимлар тизими мавжудлигининг аниқлангани уни бошқа, хусусан, туркий халқлар архаик мифологияси ва маросимлари билан муқоясавий тадқиқ этишда муайян асос бўла олиши исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилгани, чиқарилган хулосаларнинг тарихий-қийсий, этнофольклористик таҳлил усуллари билан чуқур илмий асослангани, ўзбек фольклорида момо култи билан боғлиқ маросимлар, мотив ва образлар мавжудлигини асослашда илмий-тарихий, диний ва бадий манбаларга таянилгани сингари жиҳатлар билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти чиқарилган назарий хулосалар ўзбек фольклори образлар тизимининг тарихий асослари, ўзига хос бадий-эстетик вазибалари билан боғлиқ маълумотларни ўрганишда, ўзбек фольклорида момо култига ишонч асосида келиб чиққан маросимларнинг вербал қисми бадийатини ёритишда, миф-маросим-фольклор ҳамда миф-маросим-тақвим муносабатига хос тарихий-фольклорий жараёни англашда ва таҳлил қилишда назарий манба бўлиб хизмат қила олиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишда келтирилган далиллар, назарий фикр-мулоҳазалардан халқ оғзаки бадий ижодиёти бўйича олий ўқув юртларида маърузалар ўқишда, махсус курслар ўтишда, умумтаълим мактабларида дарс машғулотларини ташкил этишда, ўзбек фольклоридан дарслик ва қўлланмалар, мажмуалар, атамалар луғати яратишда кенг фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек фольклорида момо култи генезиси ва бадий ифодаси бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтида 2012-2016 йилларда бажарилган Ф1-ФА-0-43429, ФА-Ф1, ГОО2 “Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти жанрларининг назарий масалаларини тадқиқ этиш” мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасини ҳамда 2017-2020 йилларда амалга оширилган ФА-Ф1-ОО5 “Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослигини тадқиқ этиш” мавзусидаги фундаментал илмий лойиҳаларни бажаришда момо култига ишонч билан боғлиқ маросимларнинг турларини, уларга алоқадор фольклор намуналарининг жанрлар таркибини, момо образи кўринишларини таснифлашдаги назарий хулосалардан фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 20 апрелдаги 17.01/83-сон маълумотномаси). Натижада момо руҳларга ҳамда момо култига ишонч халқимиз орасида қадимданок бирмунча кенг ва муайян яхлит тизим кўринишида тарқалгани, улар ҳақидаги қарашлар илдизи қадимги анимистик ва шомонистик диний-мифологик тушунчаларга бориб тақалиши ойдинлаштирилган;

ўзбек маросим фольклори асарларини ёзиб олиш ва таҳлил қилиш методларини такомиллаштиришга оид қарашларидан Бухоро вилояти Маданият бошқармасининг номоддий маданий мерос объектларини аниқлаш, халқ оғзаки ижоди намуналарининг ижрочилари рўйхатини шакллантириш

ва улардан маросим фольклори намуналарини ёзиб олиш билан боғлиқ амалий фаолиятида фойдаланилган (Бухоро вилояти Маданият бошқармасининг 2022 йил 3 мартдаги 01-096-сон маълумотномаси). Натижада номоддий маданий мерос объектларининг маҳаллий ва республика аҳамиятига молик рўйхатларини шакллантириш, фольклор асарларини жанрий табиатидан келиб чиқиб архивлаштириш ва фольклор-этнографик жамоалари репертуарини саҳналаштириш методикаси такомиллаштирилган;

Ўзбек маросим фольклорининг миллий қадрият сифатидаги аҳамияти ва номоддий маданий меросни муҳофаза қилишга оид илмий қарашларидан “Бухоро” телеканалининг 2019 йилнинг 7 ва 24 декабрь кунлари эфирга узатилган “Менга сўз беринг”, “Ассалом, Бухоро”, 2020 йилнинг 5 февраль, 20 март кунлари эфирга узатилган “Жаҳон тамаддуни дурдоналари”, “Асрларнинг асраганлари” телекурсувлари, “Бухоро” радиосининг 22 январь ва 28 февраль кунлари эфирга берилган “Мулоқот ва мунозара”, “Қадриятлар қадим бешиги” радиоэшиттиришлари сценарийларида фойдаланилган (Бухоро вилояти телерадиокомпаниясининг 2021 йил 17 июлдаги 1/191-сон маълумотномаси). Натижада мифологик образлардан фольклор асарларида турли поэтик мақсадларда фойдаланилишига доир қизиқарли маълумотлар телетомошабинлар эътиборига ҳавола қилинган. Шу асосда ушбу телекурсувлар учун тайёрланган материалларнинг мазмуни мукаммаллаштирилиб, илмий далилларга бой бўлишига, курсатувнинг илмий-оммабоплигини таъминлашга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 8 та илмий-амалий анжуманда, шу жумладан, 5 та республика, 3 та хорижий конференцияларда қилинган маърузаларда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 20 та илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та илмий мақола, улардан 3 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, 147 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланиб, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган.

Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси кўрсатиб ўтилган.

“Ўзбек фольклорида Момо культига ишончнинг келиб чиқиш асослари ва поэтик талқини” деб номланган биринчи боб фасллари “Момо культига ишончни ифода этувчи мифологик образлар тизими ва генезиси” ҳамда “Момолар образининг эпик асарлардаги бадиий вазифалари” деб аталган.

Халқнинг “аёл ҳомий рух” ҳақидаги мифологик қарашлари момо образининг келиб чиқишига асос бўлган. Халқнинг тасаввурича, момолар руҳи аёлларга, уларнинг фаолиятида, шуғулланадиган касб-корларида ҳамиша ёру мададкор бўлади. Аслида момо култи ҳақидаги қарашлар исломгача шаклланган диний-мифологик тушунчаларга бориб тақалади. Аниқроғи, унинг илдизи руҳларга ишончдан иборат анимистик тасаввурлар, культ мифлари билан туташ.

Ўрта Осиё халқлари орасида момо руҳларнинг номи жуда кўп¹³. Халқ наздида **Момои Калон** – **Катта момо** барча момо руҳларнинг бошлиғи саналади. Бошқа руҳлар унга бўйсунishi айтилади. **Йўлчи момо** ўз аجدодларига йўлда ва сафарда ҳомийлик қилувчи момо руҳдир. **Элчи момо** ўз элини қўллаб-қувватловчи, тирикларга ёрдам кўрсатувчи момодир. **Хабарбар момо** – хабар элтувчи, **Хабарбиёр момо** эса хабар келтирувчи, юз бериши мумкин бўлган воқеалардан олдиндан огоҳ этувчи руҳдир. Одатда, фолбинлик ва бахшилик қилувчилар уни ўзларига ҳомий деб билганлар. Бу момо руҳларнинг ҳар тўрталаси ҳам инсонларга эзгулик қилувчи мададкор руҳлар саналади. **Тўқ момо** номига тез-тез ис чиқарилиб, дуои фотиҳа ўқиб турилгани, яъни тириклар томонидан вақтида йўқланиб, “озиклантириб” борилгани туфайли ўз авлодларидан миннатдор бўлувчи руҳдир. **Гунг момо** – тириклигида гунг, гапира олмайдиган бўлиб яшаб ўтган аёл руҳи. Айтишларича, кўпинча улар шомон аёлларга ҳомийлик кўрсатаркан. **Момои пушти** ёки **момои мероси** аجدод ҳомий руҳлардан бири бўлиб, шомонлик қилувчининг марҳум ота-онаси, аجدодлари руҳи шу ном билан юритилган. Бу дунёни тарк этган аجدодларининг касбидан, бойлигидан фойдаланадиганлар, одатда, шу момо руҳни ҳомий билиб, унга сиғинган. **Гумчи момо** йўқолган кишиларни ва нарсаларни топиб беришда ёрдам берувчи, излаб топишда йўл кўрсатувчи ҳомий момо тимсолидир. У фолбин шомонлар сиғиниб, мадад сўрайдиган ҳомий кучдир.

Кўриняптики, бу момо руҳлар, асосан, бажарадиган вазифасига қараб номланган. Баъзи момо руҳлар кўним топган манзил-маконига қараб номлангани кузатилади. Жумладан, **Кул момо** кул орасида, **Гул момо** гуллар, хусусан, қизил атиргул орасида, **Сувчи момо** сув ҳавзаларида кўним топиши айтилади. Бу момо руҳлар эҳтиётсизлик қилган одамга зарар етказиши мумкин. Агар одам кул тўкилган жойдан кечкурун ўтса ёки у ердан ҳожати

¹³ Муродов О. Шаманский обрядовый фольклор у таджиков средней части долины Зерафшана // Домусульманские верования и обряды в Средней Азии. – М.: Наука, 1975. – С.101-102.

учун фойдаланса, шунингдек, гул тагида ухлаб қолса, момо руҳлардан зарар топиши уқтирилади. Аммо Кул момо ва Гул момо ҳаммавақт ҳам инсонга зарар ва озор етказувчи ёвуз, рақиб куч сифатида талқин қилинмайди. Чунки гул ва кулдан ўрни келганда эзгу мақсад йўлида ҳам фойдаланиш мумкин. Масалан, лолагул, лолақизғалдоқ, наъматак, атиргул, чучмомо каби бир қатор гуллардан инсон саломатлиги йўлида фойдаланилиши кўпчиликка маълум. Ёхуд кулдан киннани ҳайдашда, кўз оғриғини даволашда фойдаланадилар.

Учуни момо, Ҳасуд момо, Мечкай момо, Кинна момо, Рўдапо момо ва **Шалпар момо** кабилар ҳам инсонларга рақиб бўлувчи ёвуз момолар қаторига киради. Учуни момо нопок ва бевақт юрган кишиларга йўликса, учинтириб касал қилиши айтилади. У кўпинча ўз аждодларига муносиб ворис бўлмаганларни жазолаши уқтирилади.

Ҳасуд ёки Ҳасад момо ҳам одамлар учун ёвуз, рақиб руҳлардан биридир. У яқин аждодларининг хасислиги ва бепарволиги оқибатида унутилиб, оч қолдирилгани учун хавфли руҳга айланган бўлади. Кўпинча улар қурбонлик талаб қилувчи оч арвоҳлар сифатида кезиб юриши айтилади. Жумладан, **Мечкай момо** ҳам Ҳасад момо каби оч, еб тўймас ёвуз руҳлардан биридир. Бу ёвуз руҳ, одатда, одамларнинг тушида намоён бўлиб, ўзи учун қурбонлик беришга ундар экан. Агар туш кўрган киши вақтида унга атаб қурбонлик маросимини ўтказмаса, касалликка чалиниши, ё бирор бахтсизликка йўлиқиши мумкинлиги билдирилади. **Кинна момо** руҳи одамларнинг қорин бўшлиғига жойлашиб олиб, кучли оғриқ ҳосил қилиши, нигоҳи ўткир одамларга ўрнашиб, шу орқали атрофдагиларга зарар етказиши айтилади. **Рўдапо момо** жуда озғин ва касал аёл қиёфасида зарар етказувчи руҳ сифатида тасаввур қилинади. У, асосан, соғлом ва тўлақонли одамларга зарар етказишга уриниши таъкидланади. **Шалпар момо** одамга ёмон таъсир кўрсатиб, уни кучсизлантирувчи, шалпайтириб, ожизлантириб қўювчи руҳ сифатида тасаввур қилинади.

Момо руҳлар номи ранглар билан ҳам боғланган. Бунда момо руҳларга бағишланган маросимларда ёқиладиган чироқ – нукчалардан чиққан олов ва унинг тутуни ранги эътиборга олинган. Яъни олов ва тутуннинг оқ, қора, қизил, сариқ тусга киришига қараб момо руҳлар миқдори, характер-хусусияти, номи белгиланган. **Кўк момо, Қора момо** ва **Сариқ момо** ёвуз руҳлар қаторига киради. Улар кўпроқ одамларни касал қилиб, озор етказишга уриниши айтилади. **Сариқиз ёки Сариқ момо** сариқ сочли қиз ёки сариқ тусли товук кўринишида аёлларга ҳужум қилиши айтилади. **Оқ момо** эса инсонга ҳомий эзгу руҳлардан бири саналади. У жуда раҳмдил ва меҳр-шафқатли, саховатпеша сифатида талқин қилинади.

О.А.Сухарева тадқиқотларида **Хунхор момо** (қон сўрувчи), **Шалойим момо** (енгилтак, тутқич бермас), **Кашмири момо** (сеҳр-жоду қилишга алоқадор афсунларни ўргатувчи), **Аламон момо** (оломон, яъни кўпчилик бўлиб юришувчи момолар), **момо-пари** каби момо образларининг номлари учрайди. Лекин **Аламон момо** аёлларга озор, дард етказувчи, одамга кутилмаганда ташланиб қоладиган махлуқ кўринишидаги ёвуз руҳлардан

бири сифатида ҳам талқин қилинади. **Шалойим момо** кўпинча чақалоқларга озор етказувчи, уларни нобуд қилишга интилувчи ёвуз куч сифатида талқин этилади. **Хунхор момо** эса жонзотларнинг, айниқса, инсонларнинг қонини сўриб ичувчи момо сифатида кўрсатилади. Хунхор момо учун кўпинча улоқ, қўй, товук кабилардан қон чиқарилиб, у зарар етказган бемор даволанади. Акс ҳолда Хунхор момо беморнинг қонини сўриб, уни ҳолсизлантириши, ҳалок этиши мумкинлиги айтилади.

Л.Худайкулованинг “Ўзбек фольклорида Момолар култи” мақоласида Сарик момо, Қора момодан ташқари яна **Титти момо, Очил момо, Гулсун момо, Ёзил момо** ва **Тувгич момо** номлари тилга олинади. Муаллифнинг маълумот келтиришича, шу етти момо образи халқ орасида ҳомиладор аёлларнинг асотирий ҳомийси сифатида тасаввур қилинади¹⁴.

Ўзбек халқ аллаларида Уйку момо образи ҳам учрайди. Халқ тасаввурида Уйкумомо – уйку илоҳаси.

Қалдирғоч номи билан боғлиқ афсона ва афсунларда **Гўзал момо** номи учрайди. У кўз оғриғининг олдини олувчи, унга шифо бахш этувчи ҳомий момо тимсолидир. Ўтмишда кўз оғриғининг келиб чиқиши ва тарқалиши сабабларини билмаган кишилар бу касалликка азиз авлиёларнинг таъсири ёхуд ёмон руҳларнинг таъсири деб қараганлар¹⁵.

Халқ курғоқчиликда ёмғир сўраб, Гулдур момо ҳамда Шалдир момога мурожаат қилган.

Қуриганмиш гул ҳовуз
Балиқлардан бирор из.
Гулдур момо, келсанг-чи,
Шалдир момо, келсанг-чи,
Савобдир емак балиқ¹⁶.

Ушбу кўшиқда Гулдур момо – момоқалдиروق, Шалдир момо – ёмғир тангриси сифатида тилга олинаётир. Маълумки, ёмғир чақиритиш маросимларида Суст хотин, Чала хотин номларига ҳам мурожаат қилинади.

М.Жўраев яна ўзбекларнинг шамол култи билан боғлиқ мифологик тасаввурларининг матриархат даври эътиқодий қарашларига алоқадор алоҳида туркуми **Яли момо** ёки **Ялала момо** ҳақидаги инончлар тизимини ташкил этишини кўрсатиб ўтади¹⁷.

Демак, ҳозирликча момо руҳларнинг 40 дан ортиқ номлари аниқландики, бу ўз навбатида, момо руҳларга ҳамда Момо култига ишонч Ўрта Осиё

¹⁴ Худайкулова Л. А. Ўзбек фольклорида Момолар култи. // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2007. – №4-сон. – Б.50-53.

¹⁵ Мирзаева С. Ўзбек халқ афсун-дуоларининг жанр хусусиятлари ва бадиияти. – Т.: Истиқлол, 2006. – Б.40-41.

¹⁶ Petersen Marilyn. Treasury of Uzbek Legends and Lore. – Toshkent: Qatortol-Kamolot, 2000. – Б.142. (Мерилин Петерсен 1996-2000 йилларда Тинчлик корпусининг кўнгиллиси сифатида Бухорода бўлиб, маҳаллий халқнинг урф-одат ва анъаналари билан қизиқиб, талай фольклор материалларини йиққан ва уларни инглиз тилига ўнгирган ҳолда чоп эттирган).

¹⁷ Жўраев М. Ёмғир ёғдириш маросимлари // Ўзбек мавсумий маросим фольклори. – Т.: Фан, 2008. – Б.160-205.

халқлари орасида бир мунча кенг ва муайян яхлит тизим кўринишида тарқалганлигини билдиради.

Шуниси ҳам борки, халқ орасида болани эркалаш учун айтиладиган қуйидаги қўшиқда ҳомий момоларнинг етмишдан ортиқлиги таъкидланган:

Етмиш момонг орқангдан

Буғдой олиб югурсин.

Момо руҳларнинг номи, сони бу даражада кўп ва ранг-баранг бўлганлиги учун, одатда, уларни умумлаштириб “лашкар” деб аташ халқ орасида ва шомонлик қилувчилар ўртасида ўзига хос анъанага айланган¹⁸.

Ёвуз момо руҳларга йўлиқиш халқ орасида “ажина чалибди”, “алвастига йўлиқибди”, “момолар тегишибди”, “момолар зиён берибди”, “момоларнинг шамоли тегибди” ёки “момоларнинг оғирлик ташлабди” каби иборалар билан изоҳланади. Бу ибораларнинг ҳар бири ўзига хос маънога эга.

Ҳомий момо тимсоли Ўрта Осиёда яшовчи халқлар орасида турлича номланади. Қирғизларда аёллар ва гўдакларнинг ҳомий момоси сифатида Умай эна руҳига сиғинилади. “Умай” сўзи “эзгу руҳ” тушунчасини билдиради. Аслида “Ума” – қадимги туркча сўз бўлиб, “она” деганидир¹⁹.

Фольклоршунос А.Мусақуловнинг таъкидлашича, инсон танасидаги туғма холлар ҳам Умайнинг изи ҳисобланган²⁰. А.Бернштам Умай момони аёл жинсидаги мифологик мавжудот, оила ўчоғи ва авлодлар давомийлиги ҳомийси бўлган, деб талқин қилади²¹. Умай кўчманчи туркий халқлар орасида табиат инжиқликларини енгишда, экстенсив хўжаликни бошқаришда, йил фаслларига қараб чорвани боқишда, ёш авлодни парваришда ҳомий куч ҳисобланган ва унга қаттиқ сиғинилган.

Умай номи “Ўрхун-Энасой ёдгорликлари”да тўрт бор тилга олиб ўтилган. У ҳосилдорлик, чорвачилик, оила ўчоғи, бола тарбияси билан боғлаб талқин қилинадиган аллюзив номга айланган. Боланинг киндиги ҳам умай деб юритилган²². У теридан қилинган қопчага солиниб, боланинг бешигига илиб қўйилган. Яна боланинг бешиги тепасига кичкинагина ўқ-ёй Умайнинг рамзи сифатида осилган. Болаларни нобуд қилувчи ёвуз руҳ номи “Қора Умай” деб аталган. Кўк рангли матодан тайёрланган латта қўғирчоқ орқали уни имитация қилишган. Шунини инобатга олиб, В.Вербицкий Умайнинг икки маънода талқин қилинишини билдириб ўтган: а) болалар ҳомийси; б) ўлим фариштаси²³.

Маълумки, айрим эртакларда туғилган чақалоқни онаси билан бирга сувга оқизиш мотиви учрайди. Бу мотив асосида эса Қора Умай учун бола тимсолини ўзида имитациялантирувчи қўғирчоқни (ёки ўлган боланинг

¹⁸ Сухарева О.А. Пережитки демонологии и шаманства у равнинных таджиков // Домусульманские верования и обряды в Средней Азии. – М.: Наука, 1975. – С.101.

¹⁹ Рустамов А. Сўз хусусида сўз. – Т.: Ёш гвардия, 1987. – Б.125.

²⁰ Мусақулов А. Ўзбек халқ лирикаси. – Т.: Фан, 2010. – Б.186.

²¹ Бернштам А. Социально-экономической строй Орхон-Енисейских тюрок VI-VIII веков: Восточно-тюркской каганат и кыргызы. – М. – Л.: Изд-во АН СССР, 1946. – С.163.

²² Потапов Л.П. Алтайский шаманизм. – Л.: Наука, 1991. – С.287.

²³ Вербицкий В. Словарь алтайского и аладагского наречий тюркского языка. – Казань, 1884. – С.402.

бешигини) сувга оқизишдан иборат ритуал одат ётади. Бу одат ҳақида Л.П.Потаповнинг “Олтой шомонизми” китобида маълумот келтирилган²⁴.

Май-иче ёки **Она-Май** – Умай каби меҳрибон аёл ва она қиёфасида тасаввур қилинадиган мифологик образлардан бири бўлса, **Умај аазі – Умай бекач** боланинг она қорнидан тушиш хавфи туғилганда мурожаат қилиниб, ёрдам сўраладиган ҳомий куч тимсолидир. **Узут-кормос** эса ўта бадбашара кўринишдаги ёвуз аёл руҳи сифатида тасаввур қилинади ва Қора Умайнинг аналоғи сифатида қаралади²⁵.

Йерсу ҳам Умай каби аёл қиёфасидаги худо, она-Ер, Ер ҳукмдори сифатида талқин қилинади²⁶. Унинг номи ер ва сув сўзларининг қўшилишидан ҳосил бўлган.

Туркий халқлар орасида яна “бой она” (пај ана, бај ана) тушунчаси ҳам учрайди. У муқаддас уч шохли кампир қиёфасида тасаввур қилинади ва “Уч Мусту Бай Оны” ёки “Уч Мусту Кара-Каја” деб юритилади. У ўтовларни, бола, чорва, қушларни ҳимоя қилувчи, Умай билан вазифадош тоғ руҳи сифатида талқин қилинади²⁷.

Ўзбек ва тожик халқи орасида ёрдамчи, ҳомий момо руҳлар ҳақидаги қарашлар Бибимушкулкушод ва Бибисешанба каби эпик персонажлар тимсолида акс эттирилиши кузатилади.

Момо руҳга ишонч ва ҳурмат таъсирида айрим мифологик персонажларга “момо” сўзи қўшиб айтилганлиги кузатилади. Жумладан, чақмоқ руҳи – Момо Қалдиروق, ой – Оймомо, биринчи аёл инсон – Момо Ҳаво, шамол тангриси – Чуй момо деб юритилади.

Момоларга эътиқод аёл кишиларга атаб қўйиладиган исмларда ҳам сезилади. Баъзи исмларга улуғворлик бахш этиш маъносида момо сўзи қўшиб айтилади²⁸.

Б.Саримсоқов “Ўзбекларда қадимги даврлардан руҳларга дуалистик муносабатда бўлиш натижасида уларни Хизр, арвоҳ, **момолар**, парилар, чилтонлар, муаккиллар, қирқ қизлар, Бибимушкулкушод, Бибисешанба каби яхши; дев, алвасти, жин, ажина, суқ каби ёмон руҳларга ажратиб келинади”, – деб ёзади²⁹. Кўриняптики, момо руҳлар эзгу ва ҳомий руҳлар қаторида санаб кўрсатилаётир. Дарҳақиқат, айрим касалликлар номининг момо номига боғлаб айтилишини кузатиш мумкин. Масалан, киши баданига қизилча тошса, бу касалликнинг номи “Қизамиқ момо”, сувчечак тошса – “Қора момо” деб юритилади. Буларнинг барчаси мисолида момо руҳга нисбатан дуалистик қараш шаклланганлиги англашилади.

Момони инсу жинс, яъни мифологик тимсол сифатида, кўпинча пари ёки алвасти, ажина кўринишида тасаввур қиладилар. Бунда момо шу мифологик тимсоллар кўринишида инсонга зарар етказувчи ёвуз руҳ деб қаралади.

²⁴ Потапов Л.П. Алтайский шаманизм. – Л.: Наука, 1991. – С.288.

²⁵ Потапов Л.П. Ўша манба. – С.290.

²⁶ Потапов Л.П. Ўша манба. – С.281.

²⁷ Потапов Л.П. Ўша манба. – С.296.

²⁸ Бегматов Э.А. Ўзбек исмлари. – Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1991. – 208 б.

²⁹ Ўзбек фольклори очерклари. 3 томлик. 1-том. – Т.: Фан, 1988. – Б.173.

Эртактлардаги қон сўрувчи ёки болаларни ўғирлаб кетувчи мастон кампир, ялмоғиз кампир каби момолар тимсолининг келтирилиши ҳамда уларга қарши эпик қаҳрамоннинг кураши бевосита ёвуз момолар ҳақидаги қарашлар таъсирида шаклланган дейиш мумкин.

Ислон дини даврида аёл ҳомий кучлар, яъни Момо култи ҳақидаги қарашлар айрим реал шахсларга сингдирила бошлагани кузатилади. Жумладан, Анбар она, Биби Сешанба, Биби Мушкулкушо, Биби Рўипўш (ниқобдаги биби), Биби Ҳожатбарор, Биби Фотимаю Зухро, Биби Хадичаи Кубаро, Қизбиби, Биби Махсумаи пок, Биби Шаҳрабону кабилар шулар қаторига киради.

Момо руҳлар ўзга, кўзга кўринмаслар олами вакили сифатида бизнинг тилимизни тушунмайди деган маънода уларга қарата бошқа тилда, масалан, ўзбеклар бўлса – тожик тилида, тожиклар бўлса – ўзбек тилида мурожаат қилиб, айтимлар айтганлар³⁰.

“Момолар образининг эпик асарлардаги бадий вазифалари” фаслида момонинг ўзбек мифологиясидаги асосий образлардан бири экани, у ўзида қадимги инсонларнинг руҳларга ишонч-эътиқодини, анимистик ва шомонистик тасаввур-тушунчаларини бадий намоён этиши ёритилган.

Мавсумий ҳодисаларга алоқадор миф ва афсоналарда Ларзон момо, Азиз момо образлари салбий характерда талқин қилинган. Эртактларда эса кампирлар (момолар) образи ялмоғиз, жодугар, шум, мастон кампир сифатлашлари билан келтирилса, баъзиларида тўппадан-тўғри оддийгина кампир қиёфасида тасвирлангани кузатилади.

Кўпгина сеҳрли эртактларда момо эпик қаҳрамонга бевосита эмас, билвосита кўмак бериши бадий талқин қилинади. “Баҳодир ва аждаҳо” эртагида момо қаҳрамонга сеҳрли оқ от тортиқ қилиб, шу орқали унинг мушкулотини осон қилади³¹. “Подачининг қизи” эртагида момо ғорда яшайдиган оппоқ сочли сеҳргар кампир қиёфасида акс эттирилган. Унинг етим қизни ўғай она зуғумларидан сеҳр-жоду кучи билан ҳимоя қилиши тасвирланган³².

“Аёз” эртагида Малика момо янги туғилган чақалоқларни алмаштириб қўяди. Бунда у доя вазифасида талқин этилган. “Доро ва Искандарбек” эртагида ташландиқ болани ўғил қилиб олган момо образи учрайди. Бола момонинг қўлида тарбия топиб, жуда кўп хунарларни ўрганади. Эртакта момо образи бола тарбиячиси сифатида талқин топган. “Ношуд бола” эртагида ҳам момо реал персонаж сифатида гавдалантирилган бўлиб, сағир (етим) боланинг тарбиячиси сифатида тасвирланган.

Ўзбек халқ эртактларида Мурқумомо номли сеҳрли қуш образи ҳам учрайдики, унда қуш ва момо култи билан боғлиқ қарашларнинг синтезлаштирилгани кузатилади. “Тўлғоной” эртагида эса момо йўл

³⁰ Муродов О. Шаманский обрядовый фольклор у таджиков средней части долины Зерафшана // Домусульманские верования и обряды в Средней Азии. – М.: Наука, 1975. – С.21.

³¹ Баҳодир ва аждаҳо / Само тулпори. ЎХФ. Сеҳрли эртактлар. 5-китоб. – Т.: Ёш гвардия, 1987. – Б.10-20.

³² Подачининг қизи / Донишманд чўпон. Ўзбек халқ эртактлари. – Т.: Ўзбекистон, 1991. – Б.239.

кўрсатувчи, “Эркенжа” ва “Қирқ куёв” эртакларида мастон кампир совчи вазифасида талқин этилган. “Ҳотам” эртагида бойнинг оқсочи бўлиб ишлайдиган Адолатхон кампир образи келтирилган.

Момо (мастон, кампир) образи ўзбек халқ достонларида ҳам учрайди. Достонларда у кўпинча ёвуз қиёфада гавдалантирилиши кузатилади. Бунга “Алпомиш” достонидаги маккор Сурхайл кампир, “Рустамхон” достонидаги ҳийлагар Момагул мастон, “Тўрўғли” туркумида учровчи Жорхун мастон образларини мисол қилиш мумкин. Айтайлик, “Алпомиш” достонида маккор Сурхайл кампирнинг ҳийласи туфайли бош қахрамон Ҳакимбек етти йиллик бандиликка гирифтор бўлса, “Рустамхон” достонидаги мастон Момагул Рустамнинг онаси Ҳуройимга унинг кундошлари таклифига учиб, тухмат ёғдиради. У Ҳуройимга қаратилган тухмат хатини худди эртаклардаги жодугар янглиғ тилсимли учар ёғоч отда Султонхон ҳузурига етказиб беради. Хатни ўқиган Султонхон жаҳлга миниб, Ҳуройимни ўлимга буюради. Бу воқеалар бевосита достоннинг тугунини ташкил қилади.

Момагул мастон сажъ кўмагида шундай таништирилади: “Момасининг афти-жасадини кўрди, шундай: манглайлари чўтдай, кўзлари ўтдай, жағининг гўшти қочган, ён ёғидан тарлон очган, яхшиликдан мудом қочган”³³.

Момагул мастон бир қисм тупроқни олиб, дам солиб, Рустамнинг кўзига отганида, Рустамнинг кўзи ҳеч ерни кўрмай, чиппа битиб, кўр бўлиб қолади. Мастон ўзини Ҳуройим кўринишига солиб, Рустамни кутиб олади. Рустам мастонни онаси деб ўйлайди. Мастонни Қизил дев ўлдиради.

“Мирза Эдиге ботир” достонида парининг болани тўққиз йўлнинг бирлашган ерида бойнинг кўлига осмондан ташлаб юбориши, бой эса болани бир кампирга топшириб, ўзи жаҳонгашталиққа юз буриши, Нурадиннинг отасини излаб келганда бир кампирга учраб, унинг бошига тушган муаммони ечиши, достон охирида кампир тақдири билан алоқадор бўлган Нурадиннинг баҳсли масалани адолатли ҳал қилиши эпизоди берилган³⁴.

“Жорхун мастон” достонида³⁵ мастон Ғани деган муллаваччани тош кўринишига айлантириб, ўзи унинг кўринишига кириб олади. У бошлиқ қирқ мастон эса ғозлар қиёфасига эврилади. Нурали билан ғозлар ва гўзал қизлар кўринишига эврилган мастонлар ўртасида жанг кечади. Нурали гўзал қизлар қиёфасидаги мастонларни танимай, улар кўлидан тилсимланган сувни ичиб, эс-ҳушидан айрилиб, бандиликка учрайди. Буни отаси Авазхон тушида кўриб, Соқи синчи билан Нуралини кутқаради. Қизиғи шундаки, достонда Жорхун мастон Семурғ кўринишига ҳам киради. Д.Ўраева фикрича, ушбу

³³ Рустамхон. Алпомиш. Рустамхон. Жаҳон болалар адабиёти кутубхонаси. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985. – Б.356-457.

³⁴ Баҳадырова С. “Китаби дедем Қорқыт”, “Қоблан”, “Едиге” ҳам ҳозирги адабият ҳаққинда ойлар. – Нокис: Қарақалпақстан, 1992. – Б.52.

³⁵ Жорхун мастон. // Нурали. Достонлар. Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. – Т.: Ғ. Ғулом нашриёти, 1989. – Б.105.

достонда шу ҳолатлар структурал жиҳатдан шомонлик маросими билан айнан бир хил уйғунликда тасвирланган³⁶.

Умуман айтганда, момолар образи ўзбек халқ эпик жанрларида муҳим ўрин эгаллайди ва ўзига хос бадиий вазифаларда талқин қилиб келинади. Момо култи билан боғлиқ эътиқодий қарашларни ўзида ифода этувчи момо образи халқ асотир, афсона, эртақ ва достонларида алоҳида ўрин тутди. Халқнинг дуалистик қарашлари асосида момо образи ўзбек фольклори намуналарида турлича бадиий талқин қилинганлиги кузатилади. Момо култи билан боғлиқ эътиқодий қарашлар мифлардан маросимларга, сўнгра халқ бадиий тафаккурининг сарчашмалари бўлмиш афсона, эртақ ва достонларга кўчганлиги сезилади. Бу қарашларнинг барчаси фольклор намуналарида муайян бадиий образ ва эпик мотив даражасида ўз аксини топганлиги эътиборлидир.

“Момо култи билан боғлиқ мифологик қарашларнинг маросимлардаги ифодаси” номли иккинчи боб “Миф – маросим – тақвим муносабатида момо култига ишончнинг ўрни”, “Бибисешанба” маросими табиати, генезиси ва фольклори”, “Бибимушкулкушод” маросимида фольклор анъаналари” сарлавҳали уч фаслдан таркиб топган.

Сурхондарё, Қашқадарё воҳасида кинначилик ва эмчилик билан шуғулланадиган аёллар, одатда, “момо” деб юритилади. Ўзбекистоннинг бир қатор жойларида доялик қилувчилар ҳам “момо” ёки “момо-доя” деб аталади. Момо-дояларнинг муҳим хизмати шундан иборатки, улар момолар руҳини шомон қиёфасида туғилиш юз бераётган жойга чақирадилар. Самарқанд вилоятининг Хўжа қишлоқ гузарида ҳомилани қабул қилиш, аёлни туғдириб олиш жараёнида учта момо: катта (Момои Калон), ўрта (Момои Миёна) ва кичик (Момои Хурд) бевосита иштирок қилишган³⁷. Бунда момо доялар жамоа бўлиб ҳаракат қилиб, туғруқ давомида чақалокни қабул қилишда биргалашиб иш юритганлар.

Хоразмда аёлни туғдириб олувчи дояни “энака момо” ёки “эльти момо” деб атайдилар. Аммо бу воҳада Эльти момонинг вазифалари кўп. Масалан, у янги туғилган чақалок билан боғлиқ иримларни адо этади, уни илк бор бешикка боғлаб беради, шунингдек, тўйларда аёлларга бошчилик қилади. Мотам маросимларида гўяндалик вазифасини бажаради³⁸. Бухорода бола туғиш ва уни тарбиялаб-ўстириш ишларида ёрдам берувчи момоларни она-биби деб атайдилар.

Халқ орасида момо руҳларга атаб махсус ритуал таомлар пишириш ўзига хос анъана тусини олган. Жумладан, аёлларнинг кўзи ёриганда атала,

³⁶ Ўраева Д. “Жорхун Мастон” достонида архаик эпос ва маросим уйғунлиги // Қодир бахши абадияти. Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Қарши: Қарши ДУ, 2012. – Б.47-50.

³⁷ Сухарева О.А. Души момо (момохо) // Домусульманские верования и обряды в Средней Азии. – М.: Наука, 1975. – С.18-19.

³⁸ Фирштейн Л.А. О некоторых обычаях и поверьях, связанных с рождением и воспитанием ребенка у узбеков Южного Хорезма // Семья и семейные обряды у народов Средней Азии и Казахстана. – М.: Наука, 1978. – С. 190.

“Бибисешанба” маросимида ўмоч пиширилади. Бу таомлар *момо оши* деб юритилади³⁹.

Момо-шомонлар, одатда, ё туғдириш, ё касалликни даволаш билан шуғулланадилар. Улар касалнинг боши атрофида алас қиладилар. Кинна, сук ҳайдайдилар, болаларни “қўл-оёқ” қиладилар. Кўз оғриғида хаф-учуқ, кинна-пуфучуқ қиладилар, томоқ босадилар, юрак кўтарадилар. Булар билан баъзи момолар алоҳида-алоҳида касб сифатида шуғулланадилар. Юрак кўтарувчиларни Бухорода **дилбардор**, кинна ҳайдовчиларни Сурхондарёда **киннакаш**, томоқ босувчиларни **гулагир** дейдилар.

Биби Сешанба ёки Сешанба она ўзбек ва тожик мифологиясидаги аёлларни қўллаб-қувватловчи, уларга оилавий бахт ато этувчи, хотинларнинг эзгу ниятлари ва орзу-ҳаваслари юзага чиқиши учун кўмаклашувчи ҳомий куч (культ)дир. Шунингдек, у ип йиғириш, тикувчилик ва тўкувчилик каби ҳунарлар билан шуғулланадиган аёлларнинг руҳий мададкори, пири сифатида ҳам талқин қилинади.

Биби Сешанба тақвим билан қатъий боғлиқлиги жиҳатидан эътиборни тортади. Чунки “Бибисешанба” маросими фақат ҳафтанинг сешанба кунида ўтказилиши шартланган. Шунинг учун бу маросимни маълум маънода тақвимий маросимлар сирасига киритиш мумкин. Бу кун халқ тилида “момолар куни” деб юритилади. Ўрта Осиёнинг жанубий қисмида Наврўз айёми арафасида юз берадиган совуқ кунлар “Ожиз момо кунлари” деб юритилиши маълум⁴⁰.

Ҳафта кунларини жонли мифологик тимсол сифатида тасаввур қилиб сиғиниш одати жуда кўп халқларда учрайди ва улар қадимийлиги, анъанавийлиги билан алоҳида диққатни тортади. Айтайлик, туркларда “Бибисешанба” маросимида ўхшаш тадбир ҳафтанинг пайшанба (тўртинчи) кунида “Першенбэ қарэ” – “Пайшанба хотин” номи билан ўтказилиши ҳақида маълумотлар бор⁴¹. Эронда ушбу маросим Биби Ҳур ва Биби Нур номига бағишланади.

“Бибисешанба” маросимида айтиладиган афсона сюжети ўғай қиз ва ўғай она муносабатлари акс эттирилган эртакларнинг сюжети билан яқиндир. Бу сюжет дунё халқлари эртақчилигида алоҳида кўзга ташланади. Хусусан, “Бибисешанба”да ўқиб-эшиттириладиган афсона сюжети Ғарбий Европа халқлари орасида кенг тарқалган “Золушка”, “Синдрелла”, “Олтин ковуш”, шунингдек, “Фотима ва сарик инак”, “Подачининг қизи” номли ўзбек халқ эртакларининг сюжети билан жуда ўхшаш. Маълумки, бу эртакларнинг сюжетида сеҳргар кампир ўғай онаси томонидан қаттиқ азобларга гирифтор қилинган етим ва камбағал меҳнатсевар, меҳрибон қизни қўллаб-қувватлайди. Унинг мушкулени осон қилади. Қизга бахт-саодат ато этади.

³⁹ Қаюмов О.С. Ўзбек шомон маросимлари фольклори (спецификаси, генезиси, жанрлар таркиби ва поэтикаси): Филол. фан. доктори (DSc) ... дисс. – Тошкент, 2020. – Б.100.

⁴⁰ Наврўз. (Наврўз билан боғлиқ қўшиқлар, афсоналар, одатлар ва иримлар). Тузувчилар: Т.Мирзаев ва М.Жўраев. – Т.: Фан, 1992. – Б.100.

⁴¹ Женщина в мифах и легендах. Энциклопедический словарь. – Т., 1992. – С. 57-58.

“Бибисешанба” маросимида фақат аёллар иштирок этиши унинг ўзига хос энг муҳим хусусиятларидан биридир. Бу маросимда эркаклар, ўғил болалар иштирок этиши тақиқланади.

